ТОНГ ЮЛДУЗИ
تانگ يولدوزى

ЎЗБЕКИСТОН
БОЛАЛАРИ ВА ЎСМИРЛАРИНИНГ
ГАЗЕТАСИ

1992 йил 29 декабрь, сешанба
Баҳоси 30 тийин.

№47
(6519)

АРМОНЛАР ВА КЕЛАЖАК

ЁҲУД

СИЗ — БОЛАЖОНЛАРНИНГ ЭСКИ ЙИЛДА УШАЛМАЙ ҚОЛГАН ОРЗУЛАРИНГИЗ

Роппа-роса икки кундан кейин соат миллари шу йил ҳисобидан яна ўн икки марта бонг уриб, янги йил кириб келади. Кўнгиллар қувончга, дастурхонимиз нозу неъматларга, бағримиз ўз жигарларимиз, ёру дўстларимизга тўлади. Барча армону андуҳлар унутилиб, тилимиздан, ниятимиздан бол томади, анбар иси келади...

Лекин беихтиёр эски йилда нима ҳаққимиз қолди, деб бари-бир ўйланамиз. Дарвоқе, сиз — болажонларнинг эски йилда нима ҳаққингиз, ушалмай қолган орзуларингиз қолди?

Келинг, ҳаммангиз икки кафтингизни очинг-да, жажжи бармоқларингиз билан уларни биргаликда санайлик.

Аввалимбор, сизлар — Ўзбекистон келажагисиз. Сизларнинг соғлом ва бақуввват, илигингиз тўлиб вояга етишишингиз тўғрисида қайғурадиган, турли витаминларга бой озиқ-овқатлар, ширинликлар ва ичимликлар таркибини яратиш тўғрисида бош қотирадиган махсус институт очиш ҳақида ўйлаб кўришга вақт бўлмади, бу — БИР.

Аксариятингиз қишлоқ мактабларида ўқийсиз. Ҳали ҳам кўпчилик илм масканлари хароб, дарсликлар етишмайди, спорт билан шуғулланишга имкониятлар йўқ. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларини ўқийсизу ЭҲМларни эса ҳали кўрмагансиз. Лой кечиб мактабга, бозорга, шаҳарга чиқасиз. Бир неча хўжалик жонига оро кирадиган кран ёки қудуқдан қийшайиб челакларда сув ташийсиз. Тутундан кўзингиз ачишиб, ўчоқдаги қозон тагига олов ёқасиз. Бу — ИККИ.

Энди денгиз соҳилларида жойлашган "Артек", "Орлёнок" каби ажойиб оромгоҳларда йил бўйи дам олишлардан бенасибсиз. Қани эди ўлкамизнинг энг гўзал, хушманзара жойига улардан қолишмайдиган катта бир, ҳашаматли, қишин-ёзин дам олиш мумкин бўлган болалар оромгоҳи қурилса, деб орзу қиласиз. Бу — УЧ.

Қўлингизда сизлар севиб ўқийдиган ягона газетангиз "Тонг юлдузи" бор. Бироқ қоғоз, транспорт, босмахона харажатларининг ортиб кетиши боис бу йил унинг барча сонларини тўлиқ ўқий олмадингиз. Чунки давлатимиз эркининг бир йиллиги тантана қилинган кун Мустақиллик майдонида тўплардан отилган мушакларга сарфланган миллион-миллион сўмлар газетангиз учун ҳам керак бўлди... Ҳар қалай давлатимиз республикамиздаги барча газета ва журналларга катта моддий ёрдам кўрсатди, жумладан, сизнинг газетангизга ҳам. Бироқ у йил охиригача етмади. Шу боис газета қарзга ботиб, унинг жамоаси энг кўп ойлик иш ҳақи — 2.500 сўм, энг ками — 1.230 бўлгани ҳолда ишлаб келмоқда...

Майли Республикамиз Мустақиллиги кунида тўплардан отилажак мушаклар миллионлар эмас миллиард сўмларга тушсин, бари бир отамиз. Чунки миллатимиз, давлатимиз озодлиги ва эркининг баҳоси йўқ. Бунинг учун жонимизни ҳам бахшида қилсак арзийди.

Йўқ, азиз муштарий, Янги йил арафасида кимгадир таъна қилиб, таъбингизни хира қилиш ниятидан мутлақо йироқмиз. Бизнинг ҳам орзуларимиз янги йилда ушалишига умид қилиб, кўнглимизни Сизга очдик, холос. Зеро, яқинда бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш ҳақида қарор қабул қилингани катта воқеа бўлди. Унда болалар алоҳида ғамхўрлик ва ҳимоя ҳуқуқига эга эканликлари эътироф этилган бўлиб, бу бизга келажакка катта ишонч бағишлайди.

Янги йилингиз муборак бўлсин, азизлар!

Акром БЕРДИМУРОДОВ,
бош муҳаррир.

ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК БОЛАЖОН!

Оналар қувончи, оталар бахти,
Дунёнинг таянчи, насл эртаси.
Уйларнинг бозори, умримиз кўрки,
Сен одам, оламнинг гулгун эркаси.
Сен борсан дунё шўх кулгуга тўла,
Сен борсан, элатим бағридир бутун.
Ҳар қандай ғам-андуҳ, аламдан кўра,
Гулгун табассуминг туради устун.
Дейдиларки, бири кам эрур дунёнинг
Кимлардир ардоқлар, ким тирноққа зор,
Гулгун ғунчалари очилмай туриб,
Хору-хас айлаган инсонлар ҳам бор.
Болажон, бир лаҳза кўзларимга боқ,
Қўлимни қўяйин эгик бошингга.
Руҳингни баланд тут, беғубор гўдак,
Бундайлар арзимас қатра ёшингга.
Яшагин, қувонгин, даврон сеники,
Навоий, Нодира, Темурий насли.
Халқ меҳрин ҳамиша дилингга жо қил,
Келажак эгаси, сизларсиз асли!

Феруза ЖАЛИЛОВА.

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

Чироқчи туманидаги 44-мактаб ўқувчилари янги йил байрами арафасида қурувчилардан ажойиб совға олдилар. Бу ерда 417 ўринга мўлжалланган янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Болалар бу совғани кўпдан бери кутишарди. Янги йил байрами арафасида янги бинога кўчиб ўтган мактаб жамоаси кенг, ёруғ синф хоналарида учинчи чоракни бошлайдиган бўлишди. Қишлоқ аҳли, мактаб жамоасининг истак-хоҳиши билан қишлоқ ҳудудида туғилиб ўсган, қадрдон қишлоғи учун кўп йиллар самарали меҳнат қилган, собиқ хўжалик директори, марҳум Тойлоқ Рўзиевнинг номи берилди.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.
Чироқчи тумани.

УМИДНИНГ УМРИ УЗОҚМАСМИ?

Насронийлар ҳисобига кўра йил тугалланяпти. Бутун Оврўпа мамлакатлари Исо пайғамбарнинг туғилган кунини (тарихан маълумки, Исо Масиҳ 25 декабрь (7 январ)да туғилган бўлиб, кейинчалик, аниқроғи 1700 йил Петр 1 Исо таваллудидан бошланган ушбу йилни "Янги йил" деб Россияга жорий қилган) нишонлашга ҳозирлик кўришмоқда: арчалар ўрнатилмоқда, безатилмоқда, шамларнинг учида кўкиш шуълалар кўтарилмоқда. Гарчи бизнинг расм-русмларимизда, кўҳна тарихимизда бундай одатлар йўқ бўлса-да, бир вақтлар "мажбуран" тиқиштирилган, энди эса "ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" деганларидек бу тантана хонадонимизга кириб келмоқда. Сир эмас, хозир ҳам кимнингдир уйида арча ўрнатилган, хеш-ақраблар янги йил дастурхонига лутфан таклиф этилиб, ушбу кун зориқиб кутилмоқда. Кимлигини унутган ҳолда маданиятига мутлақо ёт (ғайри) одатга сиғинмоқда. Буни тушунса бўлади, чунки мудроқ тузум етмиш тўрт йилдан зиёд вақт ҳокимлик қилди, зулмат қуёш юзини беркитган эди.

Қуръони каримда: "У (зулматни ёриб) тонг оттирғучидир" дейилади. Бу энди озодликка интилган руҳ тантанаси. Руҳки, демак, ўзликни англаш. Ўзлигини англаган инсон зулмат ичида исён қилади. Бу бизнинг кечаги — Мустақилликка эришганлигимиздир. Биз бу асрларга татигувчи саодатни минг-минг шукроналар билан қарши олдик. Гапни мустақилликка олиб бориб тақашим бежиз эмас. Англанган мустаққиллик — узоқ кутилган мусулмонларнинг ҳақиқий янги йил байрами — НАВРЎЗНИ қайтарди.

Хуллас, янги йилни ким қандай кутиб олади, ҳар кимнинг имон-ихтиёри ўзида-ваъз айтиб, инкор этиш ниятидан йироқман. Мақсадим ўтган йилга бир назар ташлаб олиш.

1992 йилимиз катта ўзгаришларга, оламшумул воқеаларга тўла бўлди. Ана шундай ўзгаришлардан бири яқинда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Конституциядир. Бундан ташқари ўзбек халқининг миллий қўшини тузилиши, "Қизил империя" саркардаларининг ҳайкаллари ва кўчалардан номлари олиниши, ўрнини ўз миллий қаҳрамонларимиз эгаллаши, ҳажга йўл очилиши, Халқаро битимлар имзоланиши, қўшма корхоналар қурила бошланиши, элчилар, элчихоналар... Шундай ўзгаришлар қаршисида туриб, баъзан ишонгинг келмайди, худди тушга ўхшайди. Ўтган йилдан кўнглинг тоғдек кўтарилиб, бахри дилинг очилади. Беихтиёр эртанги кунинг ҳақида ўйлагинг келади.

Тўғри, ҳозир иқтисодий қийинчилик сезиларли даражада. Ўқувчи-ёшларнинг баркамол ўсишида, маънавиятини юксалтиришда амалга оширилиши шарт бўлган баъзи бир ишлар (бугунги кунга келиб, болаларнинг "Тонг юлдузи" газетаси иқтисодий танг аҳволда) ўлда-жўлда — аллақандай ваъдалар, аллақандай шукрчиликлар... Менимча, бу борада жиддий ўйлаб, қатъий бир қарорга келмоқ лозим. Чунки мустақил юртимизнинг эртанги келажаги шу — ўқувчи-ёшлардан умид қилиняпти, илло, бир таниқли адиб ўз набирасига қарата айтмоқчи: "Сенинг ёноғингдан юз очар баҳор!.."

Хулласи калом, яна шукр қилиб, янги йилни янги умидларга суяниб кутамиз, кўнгилда эса бир савол ҳоким: УМИДНИНГ УМРИ УЗОҚМАСМИ?

Шакар СУННАТОВ.

"МАЙМУН"ГА ЎХШАЙСИЗМИ?

"Маймун" — арабча сўз бўлиб, "бахтли", "қутлуғ", "муборак", "ижодий таъсир этувчи" деган маъноларни англатади.

-Маймун йилида туғилганлар ақлли, топқир, киришимли, илмга ниҳоятда ташна, ҳамиша ҳамма нарсадан хабардор, хотираси кучли бўлиб, иқтисодий жиҳатдан яхши яшашади.

Барно РУСТАМОВА, 1980 йилда туғилган:

— Бу хусусиятлар менинг феъл-атворимга бироз мос келади, деб ўйлайман. Лекин хушчақчақман, деёлмайман. Бир гапириб, ўн куладиган қизларни ёқтирмайман. Шунинг учун бўлса керак, ўзимнинг оғир-босиқлигимдан нолимайман.

Нодира УБАЙДУЛЛАЕВА, 12 ёш:

— Маймун йилида туғилган болалар киришимли бўлади, дейишади. Мен эса аксинча. Нимагадир жуда уришқоқман. Дугоналарим билан арзимаган нарсаларга уришиб қолиб, кейин афсусланиб юраман.

Абдукарим АБДУМАЛИКОВ, 12 ёш:

— Маймунга ўхшаш ҳам гапми?! Одамзот асли маймундан пайдо бўлганига ишонаман. Ҳозирги маймунлар одамга айланмаслигига сабаб эса уларнинг ишёқмаслигида, деб биламан.

Феруза МУҲАММЕДОВА, 1980 йилда туғилган:

— Маймун йилида туғилганлигим учунми, улар сингари жанжалкашман. Бир дугонам билан уришиб қолганимга бир йилдан ошди. Мучал йилимда у билан ярашиб олдик. Ҳозир энг яқин дугоналармиз.

“Товуқ“ йилингизда афсусланмайсизми?

Мучалнинг қайси йилида туғилган одамлар қандай қобилиятларга эга бўлишини ўрганиш шуни кўрсатадики, Товуқ, Илон, Сигир йилларида туғилган кишилар бошқарувчилик, оқиллик, жанговарлик соҳиби бўлишар экан. Товуқ йилида туғилганларда, айниқса бошқарувчилик, ўз ортидан эргаштира билиш қобилияти кучли бўларкан. Манбаларда товуқ йилида жуда кўплаб саркардалар дунёга келганлиги кўрсатилади. Амалий тафаккур соҳиби эканликлари ҳам Товуқ йилида туғилганларни биринчи ўринга олиб чиққан. Товуқ йилида туғилган саркардалар орасида янглишганлар тарихда умуман бўлмаган.

Зиёдулла САЙДУЛЛАЕВ, 7-синф ўқувчиси:

– Афсусланганда қандоқ! Айниқса, акам “товуқ мия“ деб масхара қилган пайтларда, ёмон алам қилади. Мен эса унга “чиройлироқ“ лақаб тополмаяпман. Негаки у – “йўлбарс“.

Саидазиз ҒУЛОМОВ, 1981 йилда туғилган:

– Товуқ йилида кўпгина саркардалар дунёга келган экан. Ажабмас, саркарда бўлмасам ҳам, бирор “ёғ“ли жойга бошлиқ бўлсам.



Зафар ҚАМБАРОВ, 11 ёш:

– Мучалим товуқ. Лекин унга ўхшашни ҳечам хоҳламайман. Ўртоқларим орасидаги “хўроз“ бўлсам дейман.

Абдурауф СОДИҚОВ, 7-синф ўқувчиси:

– Маймун йили биз учун омадсиз бўлди. Мактаб бўйича ўтказилган футбол мусобақасида финалга чиқиб, “маймун“ларга ютқазиб қўйдик. Бу йил мучал йилимизда омад кулиб боқишига ишонаман.

МЕҲР КЎРГИЗИБ...

Бирон кишидан совға олиш қанчалик завқли бўлса, кимгадир совға беришнинг ҳам ўзгача гашти бор. Айниқса, кўнгли ярим, ногирон кишиларга кўрсатилган озгина меҳр ҳам уларнинг кўнглини тоғдек кўтарар экан. Шунинг учун ҳам мактабимиз ўқувчилари байрам олдидан Қайқи қишлоғидаги ёлғиз, ногирон кишилар кўнглини кўтариш ниятида уларнинг уйларига бориб келишди. Улар пахта йиғим-терими даврида ишлаб топишган пулларининг бир қисмини Қизил ярим ой жамиятига топширгандилар. Яна бир қисмига совға-саломлар сотиб олишиб, ногирон, ёлғиз яшаётган қарияларга тақдим этишди. Янги йил совғасидан улар ғоят хурсанд бўлдилар.

У. ТОЛИПОВА,
Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги 8-мактаб ўқувчиси.

“Чапақайлар конкурси“ якунланди

Азиз болажонлар! Ёдингизда бўлса, икки ой муқаддам “Чапақайлар конкурси“ни эълон қилган эдик. Шу фурсат ичида унда иштирок этиш ниятини билдирган чапақай тенгдошларингиздан 20га яқин мактублар, ўзлари бажарган ишлардан намуналар олдик.

Республикамизнинг турли вилоятларидан конкурсга тавсия этилган ишлар мавзусининг қизиқарлилиги, такрорланмаслиги, ранг-баранглиги билан кишини қувонтиради. Самарқандлик Дилдора Холиқова ўзи тиккан, тўқиган жажжи либосчалардан намуналар юборган бўлса, наманганлик Акбаржон Норматов тасвирий санъатга бўлган қизиқиши, бу йўлдаги интилишлари билан ўртоқлашган. Тошкентлик Малика Абдумаликова сержило кашталар тикишга, эртак қаҳрамонлари расмларини чизишга ҳаракат қилган бўлса, навоийлик тенгдошингиз Азизжон Ҳайдаров чиройли ҳуснихати билан конкурсда иштирок этдилар. Шу ўринда, мактуб йўллаган айрим ўқувчилар конкурснинг биринчи шартини бажармаганликлари ёки юборилган ишларни чап қўлда бажарилганлигини тасдиқловчи мактаб маъмуриятининг хати бўлмаганлиги сабабли, уларнинг конкурсга юборган ишлари инобатга олинмаганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Конкурс ҳакамлар ҳайъати тавсия этилган ишларни диққат билан ўрганиб чиқиб, қуйидаги ўқувчиларни ғолиб деб топди:

1-ЎРИН — Жасурбек Шералиев, Андижон вилояти, Ҳаққулобод шаҳридаги А. Навоий номли 5-мактабнинг 8-синф ўқувчиси. (Конкурсга ҳуснихат, чизган расмлари, ўймакорлик, наққошлик, ёғочга ганч ишлаш каби ишларидан намуналар юборган).

2-ЎРИН — Дилдора ХОЛИҚОВА, Самарқанд вилояти, Пахтачи туманидаги 28-мактабнинг 8-синф ўқувчиси. (Турли фанлардан ёзган мустақил ишлари, ҳуснихат, ўзи тиккан, тўқиган ишларидан намуналар билан қатнашган).

3-ЎРИН — Акмал МУРОДОВ, Бухоро шаҳар, Охунбобоев номли мактабнинг 8-синф ўқувчиси (конкурсга расм, нақш, кашта, араб ёзувларидан намуналар тавсия қилган).

Шундай қилиб, фақат чапақайларгина иштирок этган конкурсимиз якунланди. Унда иштирок этган барча ўқувчиларга миннатдорчилик билдирамиз. Ғолибларни совринлар кутмоқда:

1 СОВРИН — БОЛАЛАР ВЕЛОСИПЕДИ.
II СОВРИН — “СМЕНА“ ФОТОАППАРАТИ.
III СОВРИН — ОСМА СОАТ.
Ғолибларни қутлаймиз!

Ўзим тайёрладим, мазалими?

Ҳадемай ҳар бир хонадонда байрам дастурхони тузатилади. Дастурхонни эса ширинликларсиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Дўконлардаги қандолат маҳсулотларининг нархи ошгандан ошиб боряпти. Шундай экан, ўзингиз тайёрлаган ширинликлар билан дастурхон безашга не етсин?!

Шу мақсадда пазанда қизларимизга “Типратикон“ деб номланган ширин кулчани уй шароитида қандай тайёрлаш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлар бермоқчимиз.

“Типратикон“

6 дона тухумни сирли идишга чақиб, яхшилаб кўпиртирасиз, сўнгра 2 пиёла шакар, 1 чой қошиқда истеъмол содаси, 1 пиёла қатиқ қўшиб яна аралаштирасиз. Ҳосил бўлган аралашмангизга 3 пиёла ун қўшиб суюқроқ хамир қорасиз. Газ патнисига бироз ун сепиб, хамирни қуйиб чиқасиз. Даставвал патнисни газнинг пастки қаватига, хамирингиз кўтарилгач эса юқори қаватига олиб, ўртача оловда пиширасиз. Устки қисми бироз қизарган кулчанинг пишган-пишмаганлигини гугурт чўпи ёрдамида текшириб кўриб, тайёр кулчани совитасиз. Стакан ёрдамида думалоқ шакллар кесиб оласиз. Четларидан чиққан қолдиқларини эса яхшилаб майдалаб, крем суртгач, кулчаларнинг устини безатасиз.

Бундай кулчалар тайёрлаш учун қуйидаги масаллиқлар талаб қилинади: 6 дона тухум, 2 пиёла шакар, 1 пиёла қатиқ, 1 чой қошиқ истеъмол содаси, 3 пиёла ун.

Крем тайёрлаш учун 1 дона қуюлтирилган сут, 200 грамм сарёғ керак бўлади.

Турпли салат

Бундай салат тайёрлаш учун артилган турпни майда қаламчалар шаклида тўғраб, устига қайноқ сув солиб қўясиз. Орадан 5 дақиқа ўтгач сувни тўкиб ташлайсиз. Пиширилган гўштни ҳам худди шундай шаклда тўғрайсиз. Майда тўғралган пиёзни ёғда қовуриб, пиёздоғи тайёрлайсиз. Ҳаммасини аралаштириб, ликопчага соласиз. Устидан бироз майонез ёки қаймоқ қуйиб, пишган тухумни тўртга бўлиб, безатасиз.

Салатингиз тайёр бўлгач, дастурхонга тортасиз.

Бунинг учун қуйидаги маҳсулотлар талаб қилинади: 2 дона турп, 200 граммча гўшт (ёғсизроқ жойидан), 100 граммча майонез ёки қаймоқ, пиёз ҳамда таъбга кўра туз.

Доно ва зукко қизалоғимиз ДИЛНОЗА!

Туғилган кунинг муборак бўлсин. Сенга сиҳат-саломатлик, ўқишларингда улкан зафарлар тилаймиз. Гулгун чеҳрангдан табассум аримасин!

Эзгу-ниятлар билдириб: бuванг, бувинг, онанг ҳамда холаларинг.

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ипакчилик кўчаси, 10-уй.

Муслимовлар оиласи.

ФАРҲОДБЕК!

Таваллуд топган кунинг билан муборак этиб, олам-олам бахт, соғлик тилаймиз. Ширин орзуларинг умрингга йўлдош бўлсин.

Буванг, бувинг, холанг, тоғаларинг.



Табриклаймиз!

ТЕНГДОШЛАРИНГ ИЖОДИДАН

Азоб

Мана, яна куз келди дилга,
Идрок кўмди маъюс туйғуга.
Мажруҳ кўнгли иқболга тўла,
Лекин гавда азобу дардда.
Дарвеш диёрин сира топмас,
Гўдак "она" деб кўз ёш тўкмас.
Бирор кекса айтса васият,
Гадо-гумон қилар бетоқат.
Нечук одамзод турмуши шу?
Қайда туйғу? Қайда фазилат?
Нахот сароб салобати у...
Роҳат десанг, рози бўлар у.
Рўй-рост айтсанг, лаънат ибтидо
Жаҳл завқи — зеб-зийнат вафо.
Найин идрок-ирода мазлум,
Натижаси — нафратдан қултум.

Гўзал ЭРМУҲАММЕДОВА,
Тошкент.

Ўсмоқдаман кундан-кун

— Биласизми, дадажон?
Ўсмоқдаман кундан-кун.
Мураббо банкасига
Сиғмай қолибди қўлим.

Гулчеҳра ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Сирдарё вилояти, Гулистон туманидаги 1-мактаб.

Мени чаққан чумолини
Жаҳлнинг тишларини
ғижирлатмасдан...
Кечирдим!
Айт, кучлиманму?!

* * *

Ўзгарибсан:
Нигоҳим пичоғин
санчганда,
Нечук —
Лолалар қонамаётир
юзингда
Ҳургинам.

Орифжон ҚУРБОН,
Сурхондарё вилояти,
Олтинсой тумани.

Эркинлик

Кўриб қолдим бир куни
Типратикон.
Кенг полизда яйраб у
Юрган экан.
Ушлаб уни яшикка
Солиб қўйдим.
Урди ўзин ҳар ёққа,
Турмасди жим.
Олиб яна қўйвордим,
Ерга уни.
Эркинликни севаркан
Билдим шуни.

Дилдора АБДУЛЛАЕВА,
Андижон шаҳридаги 46-мактаб ўқувчиси.

Камайиб қолар

Ақлингни Кўп
Ишлатма
Дўстига дер Мираюб.
Ҳадеб ишлатаверсанг
Ақлинг қолар камайиб.

Анваржон УМРЗОҚОВ,
Самарқанд вилояти, Каттақўрғон

ЎҚИ ҚИЗИҚ

ШОХЛИ ПОЧТАЧИ

Бирманинг Чау шаҳарчаси чеккасидаги почта бўлими олдида ҳар чоршанба ва жума кунлари бир хил манзарани кўриш мумкин: почта хизматчиси молхонадан бақувват қўтосни олиб чиқиб, унинг устига хатлар солинган қопни, бир нечта посилкани ортиб, ягринига шапатилаб қўяди ва ҳеч қандай кузатувчисиз бир ўзини йўлга солиб юборади. Орадан 2 соат ўтгач, беминнат дастёр бошқа қишлоққа етиб боради ва маҳаллий почта олдида тўхтайди. Уни кутиб турган хизматчилар юкларни қабул қилиб олишади. "Почтачи" олдига ем солиб, бир пас дам беришади. Кейин унга янги юкларни ортиб орқага қайтариб юборишади. Чаудаги қўтос ҳайвонлар орасида ягона "почтачи" бўлиб, ҳали бирон марта адашиб ёки кечикиб келган эмас. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ишлайверади. "Маоши" — пичан ва бошқа хил емларни ҳалол ишлаб топади.

Улуғбек МУСТАФОҚУЛОВ

(ҲИКОЯ)

Ҳар гал дам олишга чиқсам қишлоққа шошаман. У ерда укам яшайди. Болалигим ўтган шу ерда. Қишлоққа келишим билан қўни-қўшнилар, таниш-билишлар кетма-кет меҳмонга чақиришади. Бир пиёла чой баҳона болалик хотиралар эсланади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Эрталаб Зайнабларникига ўтдим, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрашгач, гуллар экилган ҳовли саҳнидаги сўри томонга юрдик. Ўтиришга таклиф қилди. Сўнг устига ёпиғлиқ дастурхонни олиб, хонтахтага қўйилган нозу-неъматлардан еб ўтиришга ишора қилар экан, кичик узрини билдирди.

— Кечирасиз, мен тандирга нон ёпаётгандим, ҳозир, — деди-да ошхона томон шошиб кетди.

Нон... Хаёлимга уруш йилларида бўлган бир воқеа эсимга тушди. Нондан азиз нарса йўқ. Уруш бораяпти. Очликдан силласи қуриганлар қанча, кунжара еб шишиб ўлганлар сонсиз.

Шундай кунларнинг бирида саҳарлаб укам Омон билан қишлоғимиздан ўн чақирим йироқдаги Тентаксойга бошоқ тергани отландик. Бундан қўшнимиз Жазира хола ҳам хабар топиб, невараси Зайнабни бизга қўшди.

Зайнаб жуда нозик-ниҳол, сочлари патила-патила бўлиб ётган қизалоқ эди. Онаси ёшлигида вафот этган, отаси эса фронтда. У ёлғиз касалманд бувиси билан яшарди.

Ўша куни бошоқ териб қайтдик. Эртаси куни яна беш-олти бола бизга эргашди. Улар ичида Эрғали исмли сурбет, биздан ёши каттароқ бола ҳам бор эди. Уни болалар орқаворотдан "Ўғри! Ўғри!" дейишарди. Лекин уни ҳеч ким ўғирлик вақтида ушлаб олмаган.

Ҳаво дим эди. Жазирама иссиқ. Буғдойлари ўриб олинган майдонда бошоқ теришга тушдик. Қани энди халталаримиз тезроқ бошоққа тўла қолса. Ерни пайпаслаб ахтарамиз. Тупроққа аралашиб кетган бошоқлар унда-бунда кўриниб қолади. Шунга ҳам хурсанд бўлиб, дарров териб олишга шошамиз. Аммо кўпайиши қийин. Барибир кайфиятимиз ёмон эмас.

Халталаримиз тўлар-тўлмас қайтишга тушдик. Эрғали эса:

— Сизларга етиб оламан, — деб далада қолди. Ҳаммамиз қилган ишимиздан мамнунмиз, руҳимиз тетик. Оз бўлса-да, бошоғимиз бор эди-да. Зайнабнинг хурсандлигини айтмайсизми. Ахир уни оч-наҳор касалманд бувиси кутиб ўтирибди.

Тентаксойга етганда чўмилиб олмоқчи бўлдик. Укам Омон сузишни билмасди. Шу боис кийимларимизга пойлоқчи бўладиган бўлди.

Ҳаммамиз чўмилиб чиқсак, бир чеккада Зайнаб йиғлаб ўтирарди. Қўлида рўмолига ўроғлиқ бошоқ йўқлигини кўриб ҳайрон бўлдик. "Биронтаси ҳазиллашаяптимикан?", деб ўйладим.

— Ҳазилни бас қилинглар, ким яширган бўлса олиб чиқсин, — дедим жаҳл билан.

Гапимга ҳеч ким жавоб қайтармади, ким нима қилиши мумкин? Чўмилаётганимизда етиб келган Эрғалига синовчан назар ташладим. Ҳеч нарса бўлмагандай бепарво эди у.

Аччиғим чиқиб укамга юзландим.

— Омон сени пойлоқчи қилиб қўйгандик-ку, кўзинг қаерда эди?

— Мен ҳув налиёқда ўйнаб юлувдим, билмасам, — деди чучук тил билан Омон. У етти ёшга тўлаётган бўлса ҳам "Р" ҳарфини айтолмасди. — Аммо боя Элғали ака шўтта юлувди.

— Нима деяпсан соқов... — укамни калака қилди Эрғали. — Ман ҳозир келдим. Қаердан билай? Ака-ука бўволиб ўзларинг олгансанлар.

— Нима дединг?! — ғазаб билан унинг ёқасига чангал солдим. — Ўзинг ўғирлаб бизга тўнкаяпсанми? Ҳозироқ топиб бер! Бўлмаса...

— Қўйвор — у қўлимни силтаб ташлади. Кўк кўзлари совуқ йилтираб, ғазабнок менга тикилди. Семиз, калта бармоқларни ёзиб зарда қилди. — Ким ўғирлаган бўлса ўша топсин.

У билан айтишиб ўтириш бефойдалигини билиб, болаларга мурожаат қилдим.

— Келинглар, Зайнабнинг тугунини қидирамиз. Балки шу ўртададир.

Болалар ҳаммаёққа тарқалишди. Фақат Эрғали жойидан қимир этмасди.

Атрофдаги жингилзор, қамишзор ораларини, сой этакларини, хуллас, ҳамма жойни ахтариб чиқдик. Топилмади. Эрғалидан бўлак ҳамма Зайнабга ачиниб унинг атрофида туришарди. Шунда мен шартта укамнинг кўйлагини ечиб олдим-да, ўзимизнинг халтадан бир ҳовуч бошоқ олиб унинг устига солдим.

— Қани, ҳамманглар шундай қилинглар, — дея болаларга юзландим.

Ҳамма озгинадан бошоқ беришди. Охирида Эрғали қолди.

— Сен бермайсанми? — дедим.

— Нимага энди... — Эрғали истар-истимас халтасидан уч-тўрт чимдим бошоқ ташлади, холос.

— Ие, бу жуда кам-ку? — деди беихтиёр ажабланиб Фарҳод деган ўртоғимиз.

— Нима мен бошоқни унинг учун терибманми? — Эрғали бўш келмасди. Бошоқли куйлакни тугиб, Зайнабнинг олдига қўйдим.

— Менга садақанглар керакмас, — деди у ўксиниб.

— Садақа эмас. Чин кўнгилдан. Агар олмасанг, ўзим бувингга олиб бориб бераман, — дедим қатъий. Ҳамма болалар мажбурлагач, у охири тугунни олди. Фақат рўмолининг ўғирлангани юрагимни эзарди. Эрғали олганига ҳеч шубҳаланмасдим. Бироқ далил бўлмагандан кейин...

Эртаси кечроқ уйғониб ҳовлига чиқсам кўзларимга ишонмай қолдим. Пастак пахса деворимиз тепасига Зайнабнинг рўмоли ёйиб қўйилганди. Уялиб кетдим. Ўтган-кетган кўрган бўлишлари табиий. Ким бундай қилиши мумкин. "Ҳа, ҳа Эрғали... оббо муттаҳам-эй. Ўз гуноҳини менга ағдармоқчи бўлибди-да. Шошмай тургин ҳали", — ғазабдан муштларим тугилганини сезмай қолибман.

Шу орада ҳовлимизга Зайнаб ҳам кириб келди. Менга юзланиб:

— Рўмолим шу ерда экан, олсам майлими? — деди.

Олиб бердим. Аммо ўзимнинг ўғирламаганимни исботлашга қийналиб, нима дейишимни билмай икки юзим ловуллаб ёнарди.

Зайнаб кориб келди.

Масъул котиб: Музаффар ПИРМАТОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Д. ТУРАХМЕТОВА, В. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтанинг сешанба куни чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй
Чоп этиш вақти — 18.00.
Буюртма № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.

Г — 554
9 10

Газета 1929 йил, 1 августдан "Ленин учқуни" номи билан чиқа бошлаган.

318982 нусхада чоп этилди. 1 2 3 4 5 6 7 8